

## ТОБЕЛОВЧИ ВОСИТАЛАРНИНГ ХУСУСИЙ ТУРКУМИЙ ВА УМУМТУРКУМИЙ ТУРЛАРИ

**Исмоил Исоғович РЎЗИЕВ**

ўқитувчи

Қарши шаҳар 1-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернати

Қарши, Ўзбекистон

ismoilruziyev275@gmail.com

### **Аннотация**

Ушбу мақолада ўзбек тилида тобеловчи воситаларнинг хусусий туркумий ва умумтуркумий турлари мавжуд эканлиги, мазкур турлар қайси воситаларни ўз ичига қамраб олиши назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** тобеловчи восита, келишиқлар, кўмакчилар, келишиқ, умумий грамматик маъноли қўшимчалар, феъл келишиқлари, хусусий туркумий, умумтуркумий.

## ЧАСТНЫЕ И ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ВИДЫ СУБСИДИРУЕМЫХ СРЕДСТВ

**Исмоил Исоғович РУЗИЕВ**

преподаватель

Каршинская городская специализированная школа-интернат №1

Қарши, Ўзбекистон

ismoilruziyev275@gmail.com

### **Аннотация**

В данной статье с теоретической и практической точки зрения рассматривается, что в узбекском языке существуют специфические и общие типы сослагательных наклонений, и какие типы охватываются этими типами.

**Ключевые слова:** подчиняющие средства, соглашения, вспомогательные средства, соглашение, наречия с общим грамматическим значением, глагольные соглашения, особая группа, общая группа.

Маълумки, гапда сўзлар ўзаро бир-бирига нисбатан тенг ва тобе муносабатда бўлади. Бу боғланишлар тўғрисида кўплаб тилшунослар сўз юритишган. Жумладан, тилшунос Ш.Раҳматуллаев бу борада ўз фикрларини бериб ўтар экан, тенг муносабатдаги кўшилишни “кўшилма”, тобе муносабатдаги боғланишни “боғланма” атамалари билан номлаш ўринли эканини айтади. Олимнинг фикрича, уюшиқ қатор қисмлари тенглик асосида кўшилса, тобе муносабатдаги боғланмаларда бир лексема бошқа бир лексемани ўзига тобелайди, боғлайди, боғлаш воқе бўлади; иккинчи лексема эса биринчи лексемага тобеланади, боғланади, боғланиш воқе бўлади [6;274].

Тобеланишда тобеловчиларнинг ўрни бениҳоя каттадир, чунки бир сўз ёки гап бошқа бир сўз ёки гап билан тобе муносабатга киришар экан бундай воситаларга эҳтиёж сезади. Масалан, *шашт билан гапирмоқ* боғланмасида *билан* кўмакчиси *шашт* ва *гапирмоқ* сўзларини бир-бири билан ҳоким-тобе муносабатга киришишини таъминласа, “*Қаерда сув кўп бўлса, ўша ерда деҳқончилик, боғдорчилик яхши бўлади*” гапида эса *қаерда...ўша ерда* нисбий сўзлари, *-са* шарт майли шакли эргаш гапни бош гапга эргашишини, яъни, тобеланишини таъминлаб келмоқда.

Тобеловчи воситалар бир сўз туркумига оид ёки бир неча сўз туркумига оид сўзлар билан бирикиб келишига кўра хусусий туркумий ва умумтуркумий турларга бўлинади. Яъни, хусусий туркумий тобеловчилар фақат бир туркум доирасидаги сўзларга кўшилса, умумтуркумий тобеловчилар эса турли сўз туркумига оид сўзлар билан бирикиб келиш имкониятига эга. Қуйида уларнинг бу жиҳатини таҳлил қилиб чиқамиз.

Хусусий туркумий тобеловчилар сирасига феълнинг ўзгалоғчи категориясини ташкил этувчи равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакллари киритамиз. Феълнинг бу шакллари фақатгина унинг ўзига бирикиб, уни бошқа туркум вазифасида келишга хослайди. Бу кўшимчаларида луғавий маънони модификациялаш (муайянлаштириш) ва алоқага киритиш, боғлаш имконияти бир хил даражада бўлганлиги сабабли уларга нисбатан баъзан “феъл келишиклари”, баъзан “луғавий-синтактик шакллар” жумласи ҳам ишлатилади [2;22]. Мазкур шаклларнинг кўлланилиши луғавий шакллар каби феъл билан чегараланса-да, ҳосила бирликларнинг вазифа доираси кенг бўлиб, у бошқа системага (синтактик системага) мансуб бирликлар – сўз бирикмаси ва гапнинг шаклланиши учун хизмат қилиши атоқли тилшунос А.Ҳожиёв қарашларида ҳам акс этади [10;30-37].

Равишдош шакллари *-(у)б, -а/й, -май, -масдан; -гач/кач, -гунча/кунча, -ганда; -гани/кани/қани)* феълни феъл билан боғлайди: *тушуниб гапирмоқ, йиғлай-йиғлай тўхтади, юра-юра чарчади, югурганча кетди, дам олгани*

*келишиди.* Бу шаклларда сўзнинг маъносига таъсир этишдан кўра уни бошқа сўзга боғлаш имконияти устунроқ кўринади.

Сифатдош шакллари *(-ган, -(а)р, -мас, -(а)ётган, -адиган, -йидиган)* феълни от билан (қисман феъл билан) боғлайди: *очилган гул, айтар сўз, сўнмас юлдуз, келаётган одамлар; кўрган билади, тушунган айтади.* Сифатдошларда маънога таъсир этиш ҳамда синтактик имконият бир хил даражада дейишимиз мумкин.

Ҳаракат номи шакллари *(-(и)ш, -(у)в, -моқ, -мак)* феълни ниҳоят даражада отга хослаганлигидан бу шаклдаги феъллар деярли отдек намоён бўлади, исмларга хос луғавий ва синтактик шаклларни чекланмаган даражада қабул қилади. Ҳаракат номи шаклидаги *ишлов, қуршов, сайлов, ёзув* каби айрим сўзлар аллақачон от сўз туркумига кўчиб бўлган. Бу шаклларда сўзларни боғлашдан кўра маънога таъсир этиш анча юқори, боғланишларда эса бошқа шакл ясовчиларга эҳтиёж сезилади: *яшаш яхши, ишлашдан тўхтамоқ, ўқимоқнинг фойдаси* каби.

Демак, феълга хос бу грамматик шакллар синтактик имкониятга эга хусусий туркумий тобеловчилардир.

Умумтуркумий тобеловчилар гуруҳига келишиклар, кўмакчилар, келишик умумий грамматик маъноли қўшимчалар киради. Бу воситалар турли туркумдаги сўзлар билан бирикади ва уларни бошқа бир сўз билан тобе муносабатга кириштиради.

*Келишик шакллари.* Маълумки, келишиклар “исмларнинг муносабат шакли” ҳисобланиб, исмлар таркибига кирувчи сўзлар билан бирикиб келади. Буни жўналиш келишиги мисолида кўриб чиқамиз: От билан. *Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди (Ў.Ҳошимов).* Сифат билан. *Яхшига ёндаш, ёмондан қоч (мақол).* Сон билан. *Тўқсонга борсанг ҳам, ток эк, Юзга етгунча узумини ейсан (мақол).* Олмош билан. *Барча шодлик сенга бўлсин, Бор ситам зорлик менга (Э.Воҳидов).* Равиш билан. *Кўкка боқма, кўпга боқ (мақол).* Ҳаракат номи билан. *Ўқишга ҳужжат топшириш тартиби (Интернетдан).* Сифатдош билан. *Китоб ўқиганга 30 фоиз чегирма*

(Интернетдан). Таклид сўз билан. *Орқа партада ёлғиз ўтириб, курсдошларимнинг чуғур-чуғурига қулоқ соламан (газетадан)*. Ундов сўз билан. *Оҳига қулоқ солишмади*. Кўриниб турибдики, келишиклар от, олмош, ҳаракат номи шаклларига тўғридан-тўғри бирикса, сон, сифат, равиш, таклид, ундов сўзларга отлашув ҳолатида бирикишини кўришимиз мумкин.

Кўмакчиларнинг маълум бир маъновий ҳамда сўзларни бир-бирига боғлаш, яъни, синтактик вазифасини қориштирган ҳолда лексика (ёрдамчи сўз), морфология (келишиклар) ва синтаксис (сўзларни боғлаш)ни ўзида мужассамлаштира олишини тилшунослар таъкидлашади [3], [8]. Улар келишик маъноларини муайянлаштирувчи, уларни тўлдирувчи ёрдамчи сўзлар бўлганлиги туфайли сўзларни ўзаро боғлашга хизмат қилади. Қуйида кўмакчиларнинг сўз туркумлари билан келиш ҳолатини кўриб чиқамиз.

От билан. *Бултур хотини худди шу қулуннай **туфайли** онасини ҳам қаттиқ ранжитган эди (Ў.Ҳошимов)*. Олмош билан. *Сен **билан** ишим йўқ (Ў.Ҳошимов)*. Сифат билан. *Яхши **билан** юрсанг, кунда бозор, Ёмон билан юрсанг, кўнглинг озор (мақол)*. Феълнинг сифатдош шакли билан. *Шамол борган **сари** авжга чиқар... (Ў.Ҳошимов)*. Феълнинг ҳаракат номи шакли билан. *Томоша кўриш **учун** аста мўраладим (Ў.Ҳошимов)*. Равиш билан. *Дўсти кўп **билан** сийлаш, Дўсти оз **билан** сирлаш (мақол)*. Таклид сўз билан. *Кейин енгил қаҳ-қаҳи **билан** кулгига қўшилди (Ф.Салаев)*. Ундов сўз билан. *Дил оҳи **каби** ҳамдам-у дилдор қани? (Убайдий)*. Кўмакчиларнинг от, олмош, ҳаракат номи ва сифатдошлардан кейин келиб уларни ҳоким сўзга тобелаши одатийдир. Уларнинг сифат, равиш, таклид, ундов сўзлар билан келиши учун худди келишиклар билан бўлгани каби отлашув ҳодисаси кузатилади.

Келишик умумий грамматик маъноли қўшимчалар (-дай/-дек, -даги, -гача, -ники) ҳам худди келишиклар ва кўмакчилар каби турли сўз туркумларига бирикиб, уларни бошқа бир сўз билан тобе-ҳоким муносабатда бўлишини таъминлайди. Тилшунослар бу воситалар борасида турли хил фикрлар билдиришса-да, семантик ва синтактик жиҳатдан уларнинг келишик ва кўмакчиларга яқин эканлигини таъкидлашади [4], [9], [5]. Уларнинг турли

туркумлар билан бирикиб келишини куйидаги мисоллар орқали кўришимиз мумкин.

I.-*дай/дек* кўшимчаси. От билан. – *Ўзим айбдорман, болам, – деди худди оғир гуноҳига иқрор бўлган одамдек ишонч билан (Ў.Ҳошимов)*. Олмош билан. *Шундоқ фарзанд ўстирганингиз учун сиздек фронтотика минг раҳмат депти... (Ў.Ҳошимов)*. Сифат билан. *Нима учун ҳаммаси яхшиидек туюлса ҳам, қон босимни мунтазам равишда кузатиб бориши керак? (Интернетдан)*. Сифатдош билан. *Гўё биров эшитса, роҳатланадиган ҳангомани ҳикоя қилаётгандек хотиржам давом этди (Ў.Ҳошимов)*. Ҳаракат номи билан. *Ҳаё ва сабр қилишидек имон йўқ (Даврон Нурмуҳаммад)*. Сон билан. *Қонунчилиқни таъминлашга барчамиз бирдек масъулмиз*. Равиш билан. *Ҳаммага худди ёруғлиқнинг тезлиги тездек туюлади (Интернетдан)*. Модал сўз билан. *Бўронларда бордек ҳаловат (А.Мухтор)*. Ушбу мисоллардан кўришимиз мумкинки, *-дай/дек* шакли от, олмош, сифат, феълнинг сифатдош ва ҳаракат номи шакллари, сон, равиш, модал сўз кабилар билан бирикиб келади, фақат ўхшатиш-қийслаш воситаси бўлиб қолмай, ўзаро синтактик алоқани таъминлашда ҳам хизмат қилади. Бунда асосан аниқловчили ёки ҳолли бирикма ҳосил бўлади: *сиздек фронтотика, яхшиидек туюлса*.

II. *-даги* кўшимчаси. От билан. *Ликопчадаги қанд устида ари айланиб, узоқ гўнгилади (Ў.Ҳошимов)*. Олмош билан. *Сиздаги руҳга боқса ҳар инсон, Кўзига ариши осмон кўринур (А.Авлоний)*. Сифат билан. *Батҳо – Макка яқинидаги водийнинг номи (А.Авлоний)*. Сон билан. *Ўнинчидаги Толибнинг яқинига йўлаб бўлмайди... (К.Тўрамурод)*. Ҳаракат номи билан. *Ўқишидаги қийинчиликлар ўз-ўзини такомиллаштириши жараёнининг бир қисмидир*. Сифатдош билан. *Қанотларини ёзгандаги кенглиги 40-50 мм (Интернетдан)*. Равиш билан. *Кўплаб болалар қалбидан жой олган юлдузларнинг ҳозирдаги суратлари (Интернетдан)*.

Предмет-ҳодисанинг ўрин ва пайтга нисбатан белгисини ифодалаб келувчи *-даги* воситаси кўпроқ отга хос бўлса-да, бошқа туркумлар билан

хам бирикиб келишини юқоридаги мисоллардан кўришимиз мумкин. *-даги* шакли *ликопчадаги қанд* бирикувида *ликопча* ва *қанд* сўзларини ҳоким-тобе муносабатда бирикувини таъминлаб, ўрин белгисини ифодалаган бўлса, *қанотларини ёзгандаги кенглиги* бирикувида эса *ёзган* ва *кенглиги* сўзларини семантик-синтактик жиҳатдан боғлаб, пайт белгисини ифодалаган.

III. *-гача* қўшимчаси. От билан. *Болалик даври саккиз ёшдан ўн тўрт ёшгачадир* (А.Фитрат). Олмош билан. *У шеърлар бизгача етиб келмаган*. Сон билан. *Бир гапда икита бош сўз билан саккизгача тўлдургич борлигини кўрдик* (А.Фитрат). Ҳаракат номи билан. *Аҳвол сузишигача бориб етади ва ҳар иккалси ҳам сувга қулаб тушади* (А.Авлоний). Сифатдош шакли билан. *У дўстининг нималар қилиб юрганигача яхши биларди*. Равиш билан. *Бу буйруқ ҳозиргача амалга ошмаган эди* (А.Қодирий). Тақлид сўз билан. *У атрофидагиларнинг мингир-мингиригача чидади*. Берилган мисоллардан кўришимиз мумкинки, *-гача* аффикси отлардан ташқари олмош, равиш, сон, феълнинг ҳаракат номи, сифатдош шаклари ва отлашган сўзлар билан билан бирикиб келиб, пайтга (*ҳозиргача амалга ошмаган*), ўринга (*боғгача келди*) ҳамда предметга (*қовуну тарвузгача бор*) нисбатан чегарани ифодалаб келади. Улар ўртасидаги синтактик алоқани кўрсатади.

IV. *-ники* қўшимчаси. От билан. – *Рўзмат отаникига бориб, кўнгил сўраб кел* (Ў.Ҳошимов). Сифат билан. *Нега хомуш ўлдинг, эй аҳли хирад, Бўлди дунё кори шармандонники* (А.Авлоний). Олмош билан. *Ўшаникида таъзия бор* (Ў.Ҳошимов). Сон билан. *Бирники – мингга, мингники – туманга* (мақол). Равиш билан. *Кўпники кўл бўлади* (мақол) Сифатдош шакли билан. *Кўён кўрганники эмас, тутганники* (авар халқ мақоли). Маълумки, *-ники* аффикси қаратқич келишиги *-нинг* ва сифат ясовчи *-ки* қўшимчаларининг тилнинг тарихий тараққиёти натижасида ўзаро бирикиб кетишидан ҳосил бўлган [1], [7]. Берилган мисоллардан кўриниб турибдики, бу восита исмларга қўшилиб, асосан эга ва кесимни шакллантириш учун хизмат қилади. *-ники* шаклидаги сўз бошқа бир синтактик вазифада келиши учун яна бошқа бир синтактик воситани қабул қилади. Мазкур аффиксда луғавий

маънога таъсир этиш билан бирга синтактик муносабат кўрсатиш ҳам сезиларли даражада эканлиги илмий қарашларда ўз аксини топган [6;6-10].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, феъл келишиклари, яъни, феълнинг вазифа шакллари феълни феълга тобелаб, унинг хусусий тобеловчиси бўлса, келишиклар, кўмакчилар ва келишик умумий грамматик маъноли кўшимчалар исмлар учун умумтуркумий тобеловчи воситалардир. Бу ўзбек тилида тобеловчиларнинг мазкур икки тури мавжудлигини кўрсатади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдурахмонов Ғ. ва бошқалар. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти – 2008. – 528 б.
2. Баҳриддинова Б. Феъл луғавий шакллари тизими (Тур категорияси): Филол. фанлари номзоди дис. ... автореф. – Самарқанд: СамДУ, 2002. – 52 б.
3. Замонавий ўзбек тили II (Синтаксис). Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – 338 б.
4. Менглиев Б., Баҳриддинова Б. Кўшимчанинг миллий таснифи ва уни ўқитишга доир муаммолар // Тил ва адабиёт таълими, 2016. – № 9. – Б. 6-10
5. Неъматов Ҳ. Чегара келишиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 4-сон.
6. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили (дарслик). –Тошкент: Университет, 2006. – 464 б.
7. Раҳмонов Н., Содиқов Қ. Ўзбек тили тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2009. – 224 б.
8. Шаҳобиддинова Ш. Босқичли мавҳумлаштириш умумий грамматик маънони очиш усули сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. – № 3. – Б. 31-34.
9. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – 612 б.
10. Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – №4. – Б. 30 –37.